

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 159 (948), 2023 йил 11 август, жума



ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИНИ ЎЗ ҲАЁТИДА КЎРИШ ХАЛҚИМИЗНИНГ РУҲИНИ КЎТАРИБ, ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧНИ МУСТАҲКАМЛАМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 10 август куни иқтисодий ривож, маҳаллалар ҳаёти, саноат корхоналари ва янги ишлаб чиқариш қувватлари билан танишиш мақсадида Бухоро вилоятига ташриф буюрди.



Давлатимиз раҳбари вилоятга ташрифини Баҳоуддин Нақшбанд мақбарасини зиёрат қилишдан бошлади. Қуръон оятлари тиловат қилинди. Аллоҳ таолодан ўтганларга раҳмат, юртимизга тинчлик-фаровонлик тилаб дуо ўқилди.

Диний уламо билан суҳбатда ёшлар таълим-тарбияси, ислом маърифати ҳақида сўз борди. Ёшларни ёт гоёлар таъсиридан асраш, бандлигига қўмақлаш, муҳтож оилаларни алоҳида меҳр-эътиборга олиш муҳимлиги таъкидланди. Шу ерда мажмуа атрофида режалаштирилган қурилиш-таъмирлаш лойиҳаси қўриб чиқилди. Унга кўра, Баҳоуддин Нақшбанд мақбарасига Тоқимиёна дарвозасидан боровчи тарихий йўлакни тиклаш, Дониёлбий мадрасасини таъмирлаш ва меҳмонхона ташкил этиш, қабристонни ободонлаштириш бўйича кўрсатмалар берди.

Президент Шавкат Мирзиёев Бухоро вилояти Когон туманидаги "Сиевуш текстиль" корхонаси фаолияти билан танишди. Бу жой илгари унумсиз, бўш турган майдон эди. Тадбиркорларга шароит яратиш мақсадида ҳудуд "Ғиждувон" эркин иқтисодий зонасига киритилган. Зарур инфратузилма барпо этилган, бу ерда саноат ривожланди. Хусусан, "Сиевуш текстиль" масъулияти чекланган жамиятининг 36 миллион долларлик лойиҳаси ўтган ойда ишга тушди. Унда йилига 40 минг тонна акрил ип-калава йиғириш қуввати ҳамда 600 иш ўрни яратилди.

— Бу Янги Ўзбекистондаги янги йўналиш, — деди Шавкат Мирзиёев. — Юртимизда тўқимачилик саноати ривожланяпти. Агар корхоналар қўшилган қиймат яратиб, даромадини ошираман деса, қисман акрил ишлатишига тўғри келади. Ундан тайёрланган маҳсулот қиймати 5 баробар ошади. Бу — манфаатдорлик, барқарорлик, одамларга иш ўрни, дегани. Шунинг учун давлат пахтани қайта ишлашга қанча қўмақдosh бўлган бўлса, энди сунъий тола

ишлаб чиқаришга ҳам шундай ёрдам беради.

Корхонада лойиҳанинг биринчи босқичи иш бошлаган. Айни пайтда хоржиклик ҳамкорлар билан корхона фаолиятини кенгайтириш устида иш олиб борилмоқда. Режага кўра, кейинги босқичда акрил тола ҳамда ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш тўлиқ маҳаллийлаштирилади. Жами иш ўрни сони 1 минг 200 тага етади.

Президентимиз "Бухоро Агрокластер" тизимидаги бир қатор корхоналар фаолияти билан ҳам танишди.

Хусусан, Бухоро шаҳридаги "Бухоро Агрокластер Д33" корхонасида сутни қайта ишлаш ва қадоқлаш йўлга қўйилган. 6,2 миллион доллар инвестиция эвазига қаровисиз майдонда барпо этилган мажмуага Италия ва Россиядан ускуналар келтириб ўрнатилган. 2021 йилда очилган корхонада бугунги кунда йилига 22 минг тонна сут қайта ишланмоқда. Ундан тайёрланаётган кефир, сут, пишлок, йогурт, қаймоқ, сметана каби маҳсулотларнинг тури қирқдан ортиқ. Корхонада 150 нафар

аҳоли доимий иш билан таъминланган. Президентимиз бу ердаги иш жараёни ва маҳсулотларни кўздан кечирди.

Иш кўлами ва даромаднинг ортиши кластер фаолиятининг кенгайишига хизмат қилади. Мажмуа ҳудудида янги иншоотлар қурилди. Хусусан, корхона тизимида ер майдонлари унумдорлигини аниқлаб берувчи замонавий лаборатория ишга туширилди. У Германиянинг замонавий технологиялари билан жиҳозланган. Бу ерда тупроқ таркибидаги қирқдан ортиқ, сув таркибидаги ўнга яқин кўрсаткичларни аниқлаш имконияти мавжуд. Бухоро вилояти экин майдонларининг шўрланганлик даражаси бошқа ҳудудларга нисбатан юқори. Ҳосилдорликка эришиш учун тупроқ таҳлили ниҳоятда зарур. Бу лабораторияда тупроқнинг кимёвий таркиби ўрганилиб, шу орқали ўсимликларнинг минерал ва органик ўғитларга бўлган талаби аниқланади. Тупроқ хоссалари, шўрланиш даражаси ҳам ўрганилади. Унинг натижалари асосида ерни меъёрлаштириш бўйича чора-тадбирлар қўрилади.

Бу ерда шакллантирилган маълумотлар корхонанинг яна бир лойиҳаси — "Agro Smart Map Uz" платформасига юклаб борилади. Шу маълумотлар асосида ер эгалари керакли агротехнологик тавсиялар олади. Давлатимиз раҳбари лабораториядаги шароитлар билан танишди. Президентимизга "Бухоро Агрокластер"нинг бошқа лойиҳалари ҳақида ҳам ахборот берилди.

Давлатимиз раҳбари Бухоро вилояти Ромитан тумани Қарамон маҳалласи аҳолисининг турмуш тарзи билан яқиндан танишди. Бу ерда 3 минг 900 нафарга яқин аҳоли яшайди. Маҳалланинг драйвери ҳунармандлик ва иссиқхона ҳўжалиги, десак муболага бўлмайди. 200 гектар майдондаги иссиқхоналарда бозорбоп сабзавотлар етиштириб сотилади. Шунингдек, мебелсозлик, тикувчилик, зардўзлик яхши ривожланган.

Президентимиз шу ерлик Халил Қобилов ва Гулбаҳор Тўхтаевалар оқнадонида бўлди. Қўни-қўшниллар, ҳо-соқоллар йиғилиб, самимий давра қурилди.

Маҳалла раиси ҳудуддаги ўзгаришлар, одамлар ҳаёти ҳақида сўзлаб берди.

Маҳаллада ўндан ортиқ савдо дўкони, тикувчилик устахоналари, меҳмонхона ва ресторанлар бор. Уларда маҳаллий ёшлар ишлаб, даромад топмоқда. Умуман айтганда, маҳаллада ишсиз одам йўқ, ўтган даврда биронта жиноят содир этилмаган. "Обод маҳалла" дастури асосида инфратузилма яшилганган. Хусусан, ички йўллар асфальтланиб, пиёдалар йўлаклари қурилган. Трансформатор ўрнатилиб, электр тармоқлари янгиланган.

— Одамларга нима куч беради? Ислохотлар натижасини ўз ҳаётида кўриш. Бугун одамларимиз шундай руҳ билан эртанги кунга интиляпти. Ҳаракат қилган оиланинг бири икки бўляпти. Халқимиз бизга катта ишонч билдирди. Янгича ўзгаришлар, янги ташаббусларни кутяпти. Бу жуда юксак масъулият, — деди Шавкат Мирзиёев.

Учрашувда нурунийлар ёшлар тарбияси, туман ривож бўйича ўз тақлифларини билдирди.

▶ Давоми 2-бетда

ОЧИҚ МУЛОҚОТ ОЛДИДАН

ТАДБИРКОР АЁЛ СОҒЛОМ РАҚОБАТДА ТЕНГ ИМКОНИЯТЛАРГА ЭГА

Яқинда юртимизнинг энг чекка қишлоқларидан бирида бўлдим. Авваллари бу ерлик аҳолининг асосий даромади қишлоқ ҳўжалиги, томорқачилиқдан эди. Бутун бир оила кичик ерга қараб қолган, йилда бир ёки икки марта ҳосил олиш учун қишин-ёзин меҳнат қиларди.

Қўлида ҳунари борлар ҳам ишламас, шаҳар олис, қишлоқда ишлаб чиқариш корхоналарини топиш амри маҳол эди. Ҳозир шу қишлоқдагилар анча жонланиб, турли йўналишларда ўқиб, ишляпти, айримлари тадбиркорлигини ҳам бошлабди. Аёллардан бири аввал уйда тикувчиликни йўлга қўйиб, 3-4 хотин-қизни ёнига олган, маҳалла унга бундан ажратибди. Ана шу бинода тикувчилик цехи ташкил этиб, қишлоқнинг 30 нафардан зиёд аҳолисини иш билан таъминлабди.

Қишлоқда бундай тадбиркорлар анча кўпайибди. Хуллас, айтаман десам, гап кўп. Аммо амин бўлганим, давлатимиз одамларни бежиз тадбиркорликка йўналтириб, барча шароитларни яратиб бермаётган экан. Чиндан ҳам, бир ҳудудда битта тадбиркор бўлса ҳам ўша жойнинг ривож, иқтисодий ўсиши, аҳоли бандлигини таъминлашга сезиларли ҳисса қўшади. Бу борада хотин-қизларнинг улуши ортиб бораётгани, айниқса, қувонарли.

▶ Давоми 4-бетда

ИНСОН КАДРИ УЧУН



ҲУДУДЛАРДАГИ ЯНГИЛАНИШЛАР ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФАСИГА АСОС БЎЛМОҚДА

Шу кунларда мамлакатимизда энг улуг, энг азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 32 йиллигини нишонлашга қизғин ҳозирлик қўрилмоқда. Ушбу табарруқ шодиёна шуқуи юртимизнинг ҳар бир ҳудудида ўзгача руҳда намоен бўлмоқда. Ҳар гўшада янгиланиш, бунёдкорлик, яратиш шижоати ҳукмрон. Одамлар тилида шукрона, дилида мамнунлик. Халқимиз ҳаётимизда рўй бераётган ўзгаришлар, фаровонлик йўлида амалга оширилаётган ташаббуслардан мамнун.

Сўнги йилларда юртимизнинг тобора чирой очиб, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланиб бораётган ҳудудларидан бири Фарғона вилояти ва унинг чекка-чекка қишлоқлари, маҳаллаларида ҳам ушбу ўзгаришлар руҳини

сешиш қийин эмас. Туман ва шаҳарларда ҳам халқимиз турмуши фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган катта ўзгаришлар рўй берапти.

▶ Давоми 3-бетда

НУҚТАИ НАЗАР

СУҒОРИШДА ТЕЖАМКОР УСУЛЛАР

ХАРАЖАТНИ КАМАЙТИРИБ, ҲОСИЛДОРЛИКНИ ОШИРАДИ

Бугун дунё ҳамжамиятини ўйлантираётган ва ташвишга қўяётган муаммолардан бири бу — шубҳасиз, сувни тежаш, қишлоқ ҳўжалигида ундан оқилона фойдаланиш масаласи. Бинобарин, обихаёт тақчиллиги шароитида уни истеъмол қилиш ва сарфлашда тежамкор технологиялар қанчалик тез қўлланилса, оммалашса, шунчалик яхши.

Сув ресурслари Марказий Осиё минтақасида, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам йилдан-йилга камайиб бормоқда. Демак, сувдан фойдаланиш маданиятимизни ўзгартириш, фаолиятда янгича ёндашувларни татбиқ этиш биз учун ҳаётий заруратга айланмоғи керак. Бу борадаги ишларни асло кечиктириб бўлмайди.

Айни пайтда мамлакатимиздаги 70 фоиздан зиёд экин майдонлари эски усулда суғорилади. Бундай суғориш тизими давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, "ерга нисбатан ҳам, сувга нисбатан ҳам ваҳшийлик"дир. Буни одамлар онига, маданиятига сингдириш ўта муҳим.

Шу боис, Президентимизнинг Сайловли дастурида ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, 2030 йилга қадар республикадаги суғорма деҳқончилик қилинадиган барча экин майдонларини тўлиқ сув тежайдиган технологияларга ўтказиш, соҳага бозор механизмларини кенг татбиқ этиш, бундай ускуналарни жорий этган фермер ва деҳқонларни рағбатлантириш механизмларини янада кўпайтириш чоралари қўрилиши белгиланди.

Умуман, мамлакатимизда олдинги йилларда бошланган ва ўз самарасини берган тизим — сув тежовчи технологияларни жорий этиш бўйича сазй-ҳаракатлар изчил давом эттирилмоқда.

▶ Давоми 4-бетда



ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

ХУДУДЛАРДАГИ ЯНГИЛАНИШЛАР

ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФАСИГА АСОС БЎЛМОҚДА



Мавлуда ХЎЖАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси

Бошланғич 1-бетда

Аввало, вилоятдаги иқтисодий кўрсаткичларга қисқача тўхталадиган бўлсак, барча соҳада амалга оширилган ислохотлар натижасида кейинги олти йилда вилоятда янги ҳудудий маҳсулот ҳажми 56 триллион сўмни ташкил этиб, 2016 йилга нисбатан 3,1 баробар ўсди. Ушбу кўрсаткич билан вилоятимиз республикада 5-ўринни қайд этди. Хусусан, аҳоли жон бошига янги ҳудудий маҳсулот ҳажми 2022 йил якуни билан 14,2 миллион сўмга етказилиб, 2016 йилга нисбатан қарийб 3 баробар ортган.

Мамлакатимизда тadbirkorларга яратилган шaroitлар, берилган имтиёзлар натижасида Фарғонада тadbirkorлар сони 55,7 мингга етди ва 2016 йилга нисбатан 2,3 баробар кўпайди. Шу даврда вилоятда тadbirkorларни қўллаб-қувватлашга 39 триллион сўм кредит йўналтирилган.

Аҳоли бандлигини таъминлаш борасида 2017-2022 йилларда 828,4 мингта иш ўрни яратилиб, бу кўрсаткич олдинги йилларга солиштирилганда 18 баробар ошган. 2022 йилнинг ўзига ҳудудда 559,3 минг фуқаро бандлиги таъминланган. Биргина оилавий тadbirkorлик дастури доирасида фуқароларга ажратилган 3,3 триллион сўм кредит ҳисобига 155 мингдан ортиқ аҳоли ишли бўлди.

Кейинги йилларда аксарият соҳаларга хорижий инвестицияларни киритиш ҳамда иқтисодиётнинг ривожланишини янги босқичга олиб чиқиш борасида туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу йўналишда Жаҳон банки, Европа тиклашиш ва тараққиёт банки, Осиё ва Ислон тараққиёт банкилари, бошқа халқаро молия институтлари ҳамда қўллаб-қўриқувчи давлатлар билан олиб борилаётган ўзаро ҳамкорлик натижаларига қўра, мамлакатимизда инвестициялар ҳажми йилдан-йилга ошмоқда.

Жумладан, вилоятда амалга оширилган ислохотлар натижасида хорижий инвестицияларни жалб этиш қўламли кенгаймоқда. пироваарда янги қувватлар ишга туширилиб, қўшимча иш ўринлари яратилляпти. Жозибдор инвестиция мухити яратилаётгани тўғрисида хорижий инвесторларнинг ҳам шу ерда бизнес юритишга интилиши ортиб бораётганини кузатиш мумкин.

Бу борада 2016 йилда вилоят иқтисодиётига 5,1 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилинган бўлса, 2022 йилда 957,4 миллион доллар инвестиция ўрнатилиб, 2016 йилга нисбатан қарийб 190 баробар кўпайган.

Кейинги йилларда ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларни экспорт қиладиган тadbirkorлар сони 3 баробар кўпайиб, 779 тага етди. Таққослайдиган бўлсак, 2016 йилда тadbirkorлар 275 га етган. Шунга мутаносиб равишда 2022 йилда вилоятда экспорт ҳажми 829,4 миллион долларни ташкил этиб, 2016 йилга нисбатан 2,1 баробар ортган.

Биз бу рақамларни бежиз келтирмадик. Улар — тилсиз. Шу боис, ҳар бир рақам ортда одамлар ҳаёти фаровонлиги билан боғлиқ катта ўзгаришлар борлигини теран тушуниш учун иқтисодий юксалиш моҳиятини шарҳлашга тўғри келади.

Эътибор беринг, биргина 2022 йилнинг ўзига Фарғона вилоятида 559,3 минг фуқаро бандлиги таъминланган. Бу ярим миллион атрофидаги оилаларга тўқислик ва ҳамжиҳатлик муҳити, ишонч руҳи, меҳр ришталари кириб келди, дегани. Зеро, жамиятда бир кишини рози қилиш қанчалик қийин бўлса, унинг самараси шунчалик шуқуҳли ҳамдир. Демак, ярим миллион оила ва уларда яшаётган ёш кекса қалбига хотиржамлик бағишлаш саодати жамиятимизнинг мутлақо янги қиёфасига асос бўлаётгани ҳам бор гап.

Шундагина юқорида келтирилган ҳар бир рақам ва иқтисодий юксалиш ортда ҳаёт қуввати ва келажакка буюк ишонч руҳи, яратувчанлик кайфияти зоҳир эканини англаш қўп ҳам мушкул эмаслигини тушунамиз.

Кейинги йилларда Фарғона вилояти том маънода ижтимоий юксалиш водийси сифатида ҳам бўй кўрсатди. Ижтимоий соҳани ривожлантириш йўналишида салмоқли ишлар қилинди. Масалан, вилоятда кейинги олти йил-

Айни пайтда вилоятда 976 мактабда 675 минг ўқувчи таълим олмақда. Қолаверса, ўтган йилларда Фарғона шаҳрида Президент мактаби ҳамда вилоятнинг ҳар бир ҳудудида 1 тадан иختисослашган мактаб ташкил этилиб, мактаблар қуввати 2016 йилга нисбатан 128 минг 105 тага оширилди.

Яна бир устувор масала, албатта, бу аҳоли саломатлигини сақлашдир. Фарғона вилоятида ўтган олти йилда тиббиёт муассасалари сони 1233 тага етказилиб, 2016 йилга нисбатан 1,7 баробар кўпайган. Соҳани ривожлантиришга 2022 йилнинг ўзига 2,4 триллион сўм ажратилиб, ушбу кўрсаткич 2016 йилга нисбатан 4,5 баробар ошган.

Муҳандислик тармоқларини яхшилашга ўтган олти йилда қарийб 3,2 триллион сўм маблағ йўналтирилган. Бунинг ҳисобига:

— ичимлик сув таъминоти даражаси 2016 йилдаги 58 фоиздан 76,3 фоизга кўтарилди;

— йўл инфратузилмаси аҳоли ва транспорт воситалари ҳаракатланишига қулай шарoит яратиш мақсадида вилоятдаги 5,5 минг километр узунликдаги йўлларда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, 2016 йилга нисбатан 11 баробар кўп маблағ сарфланди;

— электр таъминотини яхшилаш мақсадида 5 минг километр электр тармоғи, 1320 трансформатор пунктини қуриш ва таъмирлашга 2016 йилга нисбатан 5 баробар кўп маблағ йўналтирилди.

Фарғонада 300 гектарли улкан майдонда жадал қурилиш кетмоқда. Бу ерда 65 мингдан зиёд аҳолига мўлжалланган 298 та кўп қаватли уй бўнед этилади. Аҳоли зич яшайдиган шаҳар ва вилоят учун бу муҳим ижтимоий аҳамиятга эга. Бу йил массивда 73 та уй барпо этилмоқда. Уларнинг дастлабкилари фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, ҳудудда мактаблар, мактабгача таълим ва тиббиёт муассасалари, савдо ва маиший хизмат шохобчалари, спорт мажмуалари қад-



Буни ҳозир биз таҳлил қилган ижтимоий соҳадаги ўзгаришлар мисолида ҳам қўриш мумкин. Бундан бир неча йил олдин фарғоналик одамларни фарзанди тақдирини кўп уйлантирар, чунки болаларнинг ярмидан кўпи боғчага бормас, мактаблар хароб ахволда эди. Ишсизлик муаммоси эса авжига чиққан, норғул, айни кунга тўлган йилгитлар оиласини боқиб учун чет элларда сарсон-саргардон юришга мажбур бўларди. Бундан ким азият чекади? Албатта, шу йилгитларнинг ота-онаси, ёру биродари, фарзандлари. Бора-бора бу вазият одамлар ўртасида чуқур

Фарғона вилоятида кейинги етти йилда 2 мингта давлат ва хусусий боғчалар ташкил этилиши, янги мактаблар қуриш ва мавжудларининг қувватини ошириш, хусусий секторни қўллаб-қувватлаш ҳисобига қўшимча 125 минг ўқувчи ўрни яратиш вазифаси белгиланди.

Қолаверса, кейинги йилларда хусусий сектор иштиракида 300 дан зиёд клиника, Фарғона шаҳрида минг ўринга мўлжалланган кўп тармоқли тиббиёт кластери фаолияти йўлга қўйилди.

Яна бир муҳим масала — аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасида ҳам улкан вазифалар белгилаб олин-

логиялар жорий этилиши ва сув етказишдаги йўқотишларнинг олдини олиш мақсадида ёпиқ қувурлар тизими қўлланилиши лозим бўлади.

Вилоятда келгуси етти йилда 100 та замонавий агрологистика маркази барпо этилиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш даражаси ҳозирги 8 фоиздан 25 фоизга оширилиши режалаштирилмоқда.

Шунингдек, бир қатор ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар йилгилиб қолган, уларни ҳал этиш учун мутасаддиларнинг масъулиятини янада ошириш борасида гап борди.

Бунинг учун вилоятнинг ишга солинмаган имкониятларини аниқлаш ва уларни рўёбга чиқариш бўйича ҳар бир туман ва шаҳарга республикадан масъуллар бириктирилган. Улар томонидан 2 миллиард долларлик қўшимча захиралар аниқланган ва тadbirkorлар билан учрашиб, лойиҳалар шакллантирилган. Ушбу ишларни самарали амалга оширишда биз, депутатлар ҳам бор куч-имкониятимизни ишга соламыз, албатта.

Президентимиз лавозимга киришиш тантанали маросимга бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқида “Янги давр учун янги ғоя ва ташаббуслар керак, янги натижалар керак. Шундагина у том маънода янги давр бўлади... Ўзини ўзгартира олган халқ, ҳеч шубҳасиз, ҳаётни ҳам, ижтимоий мухитни ҳам ўзгартира олади, ўз мурод-мақсадларига албатта етади”.

Бугун барча юртдошларимиз қатори фарғоналиклар ҳам шу гапларнинг бор ҳикматиани аниқ англаб етмоқда. Бу барча даражадаги раҳбарлардан тортиб, оддий одамлар фикру тафаккурига етиб бораётгани Фарғонанинг янги ислохотлар шуқуҳига чўмаётганида, ҳаётнинг кун сайин яхши томонга ўзгараётганида ҳам акс этади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлашни истардикки, мамлакат миқёсида кечаётган янгилашларнинг ҳудудий инъикоси жамиятимизнинг янги қиёфасига асос солмоқда. Ахир ўзингиз уйлаб кўринг, бир оилада фаровонлик таъминланса, унинг ортдан қанча-қанча одамлар хотиржамлиги таъминланади. Агар бу формулани маҳалла, ундан чиқиб, қишлоғу шаҳарлар ва бутун мамлакат миқёсида кўриб чиқсак-чи?

Шунда бугунги ҳаётимизнинг кечаги қуралимиздан фарқи жиҳатларини кўрамиз ва ҳис этамыз. Ҳар биримизнинг қалбимизда шуқронлик хисси жўш уради, бугунги фаровон ҳаётимиз қадрини англаб ета бошлаймыз.


Бугун мамлакатимизда барча соҳадаги ислохотлар чуқурлашиб, фуқароларимиз онгу тафаккурида кечаётган ўзгаришлар юртимиз қиёфасида ўз ифодасини топмоқда. Шу билан бирга, жойларда ҳали қилинадиган ишлар ҳам талайгина. Халқимизни рози қилиш, турмуш шарoитини яхшилаш, ҳудудлар иқтисодиётини янада юксалтириш борасида барча масъуллар бирдек ҳаракат қилиши ва албатта, аҳолининг тақлиф ва тасвияларини инobatан олган ҳолда соҳага оид қонунчилиқни тақомиллаштириш борасидаги ишларни ҳам жадаллаштириши лозим бўлади.

“ Аҳоли бандлигини таъминлаш борасида 2017-2022 йилларда 828,4 мингта иш ўрни яратилиб, бу кўрсаткич олдинги йилларга солиштирилганда 18 баробар ошган. 2022 йилнинг ўзига ҳудудда 559,3 минг фуқаро бандлиги таъминланган. Биргина оилавий тadbirkorлик дастури доирасида фуқароларга ажратилган 3,3 триллион сўм кредит ҳисобига 155 мингдан ортиқ аҳоли ишли бўлди.

тўшқунлик кайфиятини содир этди. Жамиятдан, ҳаётдан, давлатдан норозилик кайфиятини вужудга келтирди. Бугун ижтимоий соҳадаги ўзгаришлар мана шу каби ноҳус манзараларни тўздан ўзгартириб юборди. Юқоридаги рақамлардан ҳам кўришиб турибдики, кейинги йилларда мактабгача ва мактаб таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя воситалари жой-жойига тушган. Яъни Ўзбекистон том маънода ижтимоий давлат вазифасини тўлақонли бажара бошлади.

Албатта, барча хайрли ишлар, аввало, аҳолининг ҳаёт сифатини ошириш, оилалар фаровонлигини таъминлашга замин бўлмоқда. Шу билан бирга, аҳолини рози қилиш, бу сибсатни ҳаётга тўлиқ таъбиқ этиш борасида ҳали қўллаб қўладиган ишларимиз бор. Президентимизнинг Фарғона вилоятидаги сайловчилар билан учрашувида ҳамда жорий йил 27-28 июль кунлари вилоятга ташрифи чоғида бу борадаги устувор вазифалар белгилаб берилди.

Хусусан, сайловчилар билан учрашувида “Янги Ўзбекистонни халқимиз билан биргаликда қурамыз!” деган ғояни мужассам этган Сайловчида дастури доирасида Фарғона вилоятини кел-



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ўқиш учун МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

да 2690 та мактабгача таълим ташкилоти фаолияти йўлга қўйилиб, улар сони 3348 тага етди. Бу рақамлар мактабгача таълим ташкилотлари 2016 йилга нисбатан 5,1 баробар кўпайганини кўрсатади. Болаларни боғчага қамраб олиш даражаси эса 34,2 фоиздан 86,3 фоизга оширилиб, бугунги кунда республикада 1-ўринга кўтарилди.

Мен Фарғона фарзандиман. Шу гўзал водийда болагимни, ўсмирлик чоғим ўтган. Унинг ҳар бир гули, меваси, тотли суви, бир тишлам нони мен учун азиз. Вилоятда битта ўзгариш бўлса, қалбим тоғдек юксалади, бир камчилик кўрсам, юрагим ачийди. Шу боис, кейинги йилларда Фарғонада бўлаётган ўзгаришлар билан ҳақли равишда

“ Президентимиз лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқида “Янги давр учун янги ғоя ва ташаббуслар керак, янги натижалар керак. Шундагина у том маънода янги давр бўлади... Ўзини ўзгартира олган халқ, ҳеч шубҳасиз, ҳаётни ҳам, ижтимоий мухитни ҳам ўзгартира олади, ўз мурод-мақсадларига албатта етади”, деди.

фахрланиш ва гурурланишга ўрганиб қолдик. Одамлар ҳаёти ўзгарди, дунёқараши, фикрлаши ўзгарди.

гуси етти йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган қатор ташаббуслар илгари сурилди. Унга қўра,





Бошланғичи 1-бетда

ТАДБИРКОР АЁЛ КИМ?

Иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида аёлларнинг тадбиркорлик фаолиятидаги иштироки жаҳон миқёсида "сокин инқилоб" дея баҳоланмоқда.

Бир қарашда аёллар тадбиркорлиги тушунчаси амалий жиҳатдан тушунарли. Аммо у нисбатан янги сўз бўлиб, келиб чиқиши ва моҳиятини ўрганиш ҳали ҳам долзарб.

Яна бир тадқиқотчи олимнинг келтиришича, тадбиркор аёл бизнес ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйган, юрихтадиган ва ташкил қиладиган, бошқа хотин-қизларга иш имкониятларини тақдим этадиган шахсдир.

тушунча мавжуд. Аммо бу борада дунё мамлакатларидаги ёндашувлар турлича. Масалан, Малайзия, Норвегия, Тожикистон, Латвия каби кўплаб давлатларда аёллар тадбиркорлиги яқка тадбиркор, МЧЖ директори ва МЧЖ эгаларини назарда тутди.

ОЧИК МУЛОҚОТ ОЛДИДАН

ТАДБИРКОР АЁЛ СОҒЛОМ РАҚОБАТДА ТЕНГ ИМКОНИЯТЛАРГА ЭГА

Гулбаҳор ХЎЖАМУРАТОВА, Тошкент давлат иқтисодий университетининг доценти, иқтисодий фанлари номзоди



жинс вакиллари учун ҳам мувофиқлаштириш имкончилигини кўрсатди. Натيجида аёллар тадбиркорлигини янада яхшироқ тушунириш учун мавжуд назарий тадқиқотларни кенгайтириш зарурати юзага келди.

Бу борадаги дастлабки тадқиқотлар 1970 йиллар бошида Ғарбда пайдо бўлди. Уларнинг адабиётларида илк бор "тадбиркор аёл" тушунчаси тижорат корхонасини юритувчи, ташкил этувчи ва бошқарувчи аёл сифатида тавсифланди.

тушунча доирасини торайтиради. Гап шундаки, фаолият эгаси бўлган аёл ҳеч қандай ишга ёлланмас ва тадбиркор аёллигида қаралмоқда.

Шунга қарамай, бу тушунча борасидаги ўрганишлар ҳамон давом этапти. Ушбу қарашларнинг айримларига тўхталик. Одатда, "тадбиркор аёл" деганда ишбилармонлик ташаббусига эга, ўз фаолиятини ташкил этган ва уни юрихтадиган хотин-қизлар тушунилади.

Бошқа томондан, аёллар тадбиркорлиги шахсини эмас, балки фаолиятини ифодаловчи тушунча бўлиб, у ҳақида баъзи адабиётларда турли фикрлар келтирилган. Улардан бирида ёзилишича, аёллар тадбиркорлиги деганда, хотин-қизлар эгалик ва назорат қиладиган фаолиятдаги капиталнинг 51 фоиздан кам бўлмаган улушида ҳамда мазкур корхонада яратилган иш ўринларининг камида 51 фоизда аёллар бўлган бизнес фаолияти тушунилади.

тадбиркорлик баъзи мамлакатларда бир шахсга тегишли бўлган барча корхоналарни қамраб олган умумий атама бўлса, бошқа жойлар, масалан, АҚШ, Ўзбекистонда ЯТТ чекланмаган шахсий жавобгарликка эга бўлган ва муайян солиқ режимида бўйсунадиган фаолият билан боғлиқ аниқ ҳуқуқий мақомдир. Бу мақомга эгалик қилиш ҳуқуқи эса хотин-қизларга ҳам бирдек берилган.

Аёллар тадбиркорлиги термини бутун фаолиятга тегишли эканидан келиб чиқса, унинг раҳбари аёл бўлиши ҳам манتيқли. Аммо мулкка эгаликнинг салмоқли қисми аёлга тегишли бўлиб, фаолиятни исталган ёлланма бошқарувчи юритса ҳам аёллар тадбиркорлигига киритиш ўринли бўлади.

ЗАМОНАСИГА ЯРАША...

Хотин-қизлар нафақат катта корхонага раҳбарлик қилиш, балки ўзини ўзи банд қилиш орқали ҳам тадбиркорга айланиши мумкин. Гап шундаки, ҳозирги кунда ўзини ўзи банд қилиш меҳнат шартномаси сунъий даромад топишнинг кенг тарқалган шаклларидан бири саналади.

ёғлиг тадбиркор (Sole proprietors) деб кўрсатилади. Боиси, қиймат яратиб, уни сота олиш ва даромадини мустакил ошира билиш тадбиркорлик хусусиятларидан биридир.

Ҳозирги вақтда ўзини ўзи банд қилганлар замонавий терминда "фрилансер" деб аталмоқда ва ундаги фаолият турлари жуда кўп. Дастурчи, тикувчи, таксичи, бола парваришлайдиган ва бошқа кўплаб иш эгалари ўзини ўзи банд қилганлар саналади.

Аслида, аёллар табиатан яхшигина тадбиркор бўлади. Бунинг учун оила бюджетидаги турғи тақсимлаши, тежаб ишлатиши, шахсий ишларини доим аниқ режалаштира олиши ва ҳоказоларда қўриш мумкин. Шунинг учун аёллар тадбиркорлигининг аксарияти муваффақиятли амалга ошмоқда.

Мунира Қориева, Мадина Аюпова, Тошкент вилоятдан Наргиза Бекмуродова, сурхондарёлик Мухаббат Қанонова каби юзлаб аёллар эл-юртимизга танилган тадбиркорга айланди.

Шундай тиришқоқ, ғайратли тадбиркорлардан бири Мунира Хаирова ҳам бир эмас, бир нечта йўналишда ишни йўлга қўйган. Навоийлик аёл "Хатирчи асл ипак гиламлари" МЧЖ ҳамда "Дурдона текстиль" ишлаб чиқариш корхоналарига раҳбарлик қилиб келмоқда.

Тадбиркор 40 дан ортиқ кишини иш билан таъминлаган, уларнинг аксарияти хотин-қизлар. "Аёллар дафтари"да турганларни тадбиркорликка ҳам ўқитиб келаяпти.

шижоати билан натижа кўрсатаётган замонавий Тумарис, Бибинонимлардир. Уларга ҳавас қилаётган яна қанчадан-қанча хотин-қиз касб-хунаж ўрганиб, тадбиркорликни бошлаётганини ўзингиз тасаввур қилаверинг.

ОЧИК МУЛОҚОТ ЯНГИ ВАЗИФАЛАРНИ БЕЛГИЛАБ БЕРАДИ

Бугун жамиятимизда ички ва ташқи бозорда мустақкам ўрни, нуфузу ва бренди эга бўлган ҳақиқий тадбиркорлар синфи шакллана бошлади. Бу аввалиги даврларда тилимиздан тушмайдиغان савдогар, олибсотар ёки деҳқон эмас, айнан тадбиркорлар. У ўз ишмини биладиган, бир йўналишнинг барча жиҳатларини фаолиятда билаётган, иш юритишдан тортиб, молиявий масалаларга эллай оладиган ишбилармон одам дегани.

Янги Ўзбекистонда замонавий, ўзбек модели асосидаги тадбиркорлик муҳити шаклланишига гувоҳ бўлялмиш. Бунинг учун саъй-ҳаракатлар кўламини анча кенг. Хусусан, ўтган давр мобайнида ишбилармон киши давлатнинг чинакам дўстига айланди. Биргина 2017-2022 йилларда юртимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ҳамда тизим вакиллари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўналишида 3 мингдан зиёд қонунчилик ҳужжати қабул қилинди.

2021 йил август ойидан давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлар билан очик мулоқотини ўтказиш аънаънага айлангани ва 20 август юртимизда Тадбиркорлар кўни сифатида нишонланётгани ҳам соҳа вакиллари доимо кўлаб-қувватланаётганининг ёрқин ифодасидир. Очик мулоқотда берилаётган тақлифлар, илғари сурилган ташаббуслар ҳамда белгиланган янги йўналиш ва вазифалар тадбиркорлик фаолиятининг янада ривожланишига йўл очмоқда.

Президентимизнинг тадбиркорлар билан бу йилги очик мулоқоти ҳам қизғин руҳда ўтиши шубҳасиз. Бизнес вакилларида мурожаатлар, фикр ва тақлифларни қабул қилиш бошланган ва жадал давом этапти. Бу мурожаатларнинг қўлига жараённинг ўзидеҳ ёчиллар ҳам берилаётган. Мақсад ҳар бир ишбилармонни кўлаб-қувватлаб, ҳар томонлама ёрдам беришдан иборат.

Бу имкониятларга жавобан тадбиркорлар ҳам янада ривожланишга ҳаракат қилмоқда, мамлакат иқтисодийнинг ҳақиқий таянчига айланишига интилоқда. Улар орасида хотин-қизлар улуши ортиб бораётгани барчамизни қувонтиради.

НУҚТАИ НАЗАР

СУҒОРИШДА ТЕЖАМКОР УСУЛЛАР

ХАРАЖАТНИ КАМАЙТИРИБ, ҲОСИЛДОРЛИКНИ ОШИРАДИ

Дауранбек ҚДИРБАЕВ, Сув ҳўжалиги вазирлиги бўлими бошлиғи

Бошланғичи 1-бетда

Ўзбекистонда 2019 йилдан бошлаб сув тежовчи технологияларни жорий этганларни давлат томонидан кўлаб-қувватлаш механизми йўлга қўйилгани, жумладан, субсидиялар ажратилаётгани катта самара бериб, кластер ташкилотлари ва фермерларни рағбатлантирмоқда.

Шу ўринда юртимизда, умуман, жаҳон қишлоқ ҳўжалигида энг оммалашган томчилятиб, ёмғирлятиб ҳамда пульсар суғориши усулларига батафсилроқ тўхталиб ўтсақ мақсадга мувофиқ бўлади, назаримизда.

Томчилятиб суғориш тизими жаҳоннинг қишлоқ ҳўжалиги тарақий этган кўпгина мамлакатларида кенг қўлланилади. У жамоатчилик ва илмий жиҳатдан интенсив технология, деб тан олинган. Томчилятиб суғоришда сув ўсимликнинг илдиз қатламига бир текисда етиб боради.

Бу суғориш режимида ўсимликнинг сувга бўлган эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда сув бериллади. Минерал ўғитларни ҳам бевосита сувга қўшиб бериш мумкин. Тупроқ коти-

маслиги боис, техника билан ишлов беришга зарурат туғилмайди.

Мавсум давомида ҳар гектар майдон хисобига 50-60 литр атрофида ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари тежалади. Йил давомида бериладиган ўғитлар учун харажатлар томчилятиб суғорилганда 30 фоизга, вегетация даврида бериладиган ўғитлар учун харажатлар эса 50 фоизгача камаяди.

Тупроғи эрозияга мойил енгил тупроқли, ер юзаси нотекис бўлган адир майдонларида ҳам экинларни томчилятиб суғориш тизимидан фойдаланиш иқтисодий жиҳатдан яхши самара беради.

Ёмғирлятиб суғориш экинларни сунъий ёмғир ҳосил қилиш асосида суғоришга мўлжалланган усул хисобланади. Бунда суғориш қувурлар ва ёмғирлятувчи маҳсу-

муҳандислик қурilmаси ёрдамида амалга оширилади. Сунъий ҳосил қилинаётган ёмғирнинг жадаллиги суғорилаётган дала тупроғининг сув шимми салохиятидан камроқ ёки унга тенг бўлиши лозим.

Ёмғирлятиб суғоришнинг самараси сунъий ҳосил қилинаётган ёмғир томчиларининг ўлчамларига тула боғлиқ. Яъни ёмғир томчилари қанчалик майда бўлса, суғориш шунчалик сифатли бўлади. Тупроқ яхши намланади, унда кўлмақлар ва сув оқимлари юзага келмайди, тупроқ қотиб қолмайди.

Бундай суғориш узоқ муддат (тинимсиз) олиб борилганда, тупроқда кўлмақлар ҳосил бўлиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун ёмғирлятикларнинг импульсли, яъни айланиб, сув сепадиган турини қўллаш тавсия қилинади. Уз ўқи атрофида айланиб, сувни узиб-узиб сепадиган ёмғирлятиклар энг кўп тарқалган мослама саналади.



Тупроғи говак ва сув ўтказувчанлиги кучли майдонларда чуқур илдиз отиб кетмайдиган (попук илдизли) экинларни, айниқса, сабзавот ва далага ёйиб экиладиган экинларни ёмғирлятиб суғориш яхши самара беради.

Тупроғи эрозияга мойил енгил тупроқли, ер юзаси нотекис бўлган адирликларда ҳам экинларни ёмғирлятиб суғориш тизимларидан фойдаланиш иқтисодий жиҳатдан самарадорликка эга.

Тез-тез кучли шамол бўлиб турадиган ва тупроғининг сув ўтказувчанлиги паст бўлган ҳудудларда эса ёмғирлятиб суғоришни қўллаш тавсия қилинмайди.

Дискрет (пульсар) суғориш усули республикамиз қишлоқ ҳўжалик экинларини сув билан таъминлашда замонавий автоматлаштирилган, юқори самарадорликка эга комплекс суғориш тизими саналади. Ушбу тизимда суғориш манбасидан фермер ҳўжаликларини даласига сув етказиб беришда яроқлилик муддатини ўтаб бўлган ички суғориш тармоқларида йўқотиладиган сувни тежаб ҳамда сув ер ости ёлғи қувур тизими орқали етказиб берилиши хисобига 30 фоизгача тежалади ва суғориш самарадорлиги ортади. Бунда далада ер ости ва устки қувурлар, гидрант, автоматик бошқариш тизими, назорат ўлчов асбоблари ўрнатилди.

Айни пайтга келиб, юртимизда сув тежовчи ускуна ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчи корхоналар сони 50 дан ортгани ҳамда мазкур технологияларни маҳаллийлаштириш 80 фоизга етказилгани бу

борада эҳтиёжни қондиришга эришилаётганини аналтади. Маҳаллийлаштириш хисобига маҳсулот таннари арзонлашиб, валюта иқтисод қилинмоқда. Шу билан бирга, ҳозир ускуналарни қўшни давлатларга экспорт қилиш имконияти ҳам мавжуд.


Соҳада кадрларни тайёрлаш ва улар малакасини ошириш мақсадида "Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигининг механизациялаш муҳандислари институтини" миллий таъдиқот университетида "Сув тежамкор суғориш технологиялари" магистратура ва "Сув ҳўжалигида инновацион технологиялар ва улардан фойдаланиш" бакалавр таълим йўналишлари ташкил этилди.

Шу билан бирга, вазирлигимиз тасарруфидидаги коллежларда "Сув тежовчи суғориш тизимига хизмат қўралиш техници" касб йўналиши бўйича мутахассислар тайёрланмоқда.

Юртимиздаги барча қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг сувдан тежаб-терғаб фойдаланиш бўйича билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида Президентимизнинг шахсан ташаббуси билан Сув ҳўжалиги вазирлигининг, "Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини" миллий таъдиқот университети ҳамда маъсул тижорат банки ҳамкорлигида "Сувчилар мактаби" лойиҳаси ташкил этилди.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



БОКИЙ МЕРОС

www.yuz.uz

А.Н.Самойлович нашр қилинган ва қилинмаган илмий ишлари билан бобуршунослик тараққиётига улкан ҳисса қўшди ва "Бобур ижодини ўрганиш ҳам бурч, ҳам фахр, ҳам бахти" эканини исботлади. И.В.Стеблева, Л.Тугушева, Г.Ф.Благова каби бобуршунос олимлар А.Н.Самойлович бошлаган илмий ишларни муваффақият билан давом эттирди.



Бобуршунослик ВА ЖАҲОН ИЛМ-ФАНИ

Гулноз ХАЛЛИЕВА,
ЎзДЖТУ профессори, филология фанлари доктори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 январда имзоланган "Буюк шоир ва олим, машҳур давлат арбоби Захириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган буюк бобомизнинг ҳаёти, фаолияти, маънавий меросини янада чуқур ўрганиш, ёшларимизни улуг аждодларимиз хотирасига эҳтиром руҳида тарбиялашда муҳим қадам бўлди.



текширилмаган, бу эса мавзунинг янгилиги ва долзарблигини белгилайди. Бобур қўлёзмаларини тўплаш, унинг ижодий мероси билан қизиқиш Россияда XIX асрдан бошланган. Рус олими И.Березин 1857 йилда чоп этилган уч жилдли "Туркий хрестоматия"га "Бобурнома" ва "Мубаййин" асарларидан ҳам айрим парчаларни киритган. Рус олими, академик А.Н.Самойлович И.Березин ҳақидаги мақоласида "Туркий хрестоматия" нуқсонлардан холи бўлмаса-да, унга кирган намуналардан айримлари, масалан, "Мубаййин" асари олдин ҳеч қаерда нашр қилинмагани билан алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлайди.

1857 йилда рус олими Н.Ильминский Қозонда "Бобурнома"ни нашр қилдиради. Шундан кейин матбуотда "Бобурнома"нинг рус тилидаги таржималари пайдо бўла бошлади. Жумладан, В.Вяткин, С.Поляков, В.Островский ва бошқа олимлар асардан айрим парчаларни таржима қилиб, рус китобхонали Бобур ижодий мероси билан таништирди. Кузатишлар XX асрнинг биринчи ярмига қадар Бобур ижоди билан жиддий қизиққан олим А.Н.Самойлович бўлганини кўрсатди. Унинг бу борада бир қанча тадқиқотлари мавжуд бўлиб, улардан айримлари ҳали-ҳануз илмий жамоатчиликка номаълум бўлиб келмоқда. Бундан ташқари, олим архивида "Бобурнома"нинг Қозон нашри асосида



билан боғлиқ ишларга қатор тақрирлар ёзди. Бу тақрирлар объективлиги, принципиаллиги, талабчанлиги билан ажралиб туради. Хусусан, унинг В.Л.Вяткин, С.И.Поляков, А.Бевеерж каби олимлар таржималари, илмий

қилдиради. Бу факт баъзи нашрларда иккита қўлёзма нусха ва "Бобурнома"даги шеърлар асосида деб нотўғри талқин қилинган. Чунки олим "Бобурнома"даги шеърларни алоҳида ўрганган.

А.Н.Самойловичдан сал олдин, яъни 1910 йилда инглиз олими Д.Росс Бобур девонини Рампур (Ҳиндистон) нусхаси асосида қўлёзма факсимиле билан бира Калькуттада нашр қилдиради. 1911 йилда А.Н.Самойловичнинг бу ҳақдаги мақоласи эълон қилинади. Мақоладан маълум бўлишича, девоннинг Рампур нусхаси икки қисмдан — "Волидия" асарининг Бобур қаламига мансуб туркий таржимасидан ва шеърлардан ташкил топган. Қўлёзма таркибидаги шеърлар Бобурнинг Ҳиндистондаги даврининг махсули эканини Д.Росс сўзбошида қайд этмаганини ёзган А.Н.Самойлович ўз фикрини "Бобурнома" орқали тасдиқлайди. "...Хумоюнга таржиманамани, Ҳиндустонга келгали айтқон ашъорни йоборилди. Ҳиндолга ва Хожа Калонга ҳам таржима ва ашъор йоборилди. Мирзобек тағойидин ҳам Комронга таржима ва Ҳиндқа келгали айтқон ашъор ва "Бобурий хати" била битилган сархатлар юборилди" ("Бобурнома"дан). Демак, бошқа асарлари қаторида "Бобурнома"да бу девон ҳақида ҳам маълумот берилган.

Жиддий кузатишлардан кейин А.Н.Самойлович мазкур тўпламда бошқа қўлёзма девонларда учрамайдиган 379 та шеър борлигини ҳам аниқлайди. Шунингдек, Париж ва Рампур нусхасидаги шеърий жанрлар тили, таркиби ҳақида ўз фикрларини баён қилади. Унга кўра, Рампур нусхаси Париж нусхасидан фарқи улроқ, туркий шеърлардан ташқари форс ва урду тилида ёзилган шеърларни ҳам ўзида жамлайди.

"...Сўзумни ўқуб ёд қилгосен ўзумни"

Рампур қўлёзмаси Бобур ўз қўли билан ёзган шеър билан яқун топиши жиҳатидан ҳам мўътабар саналади. Буни А.Н.Самойлович Д.Росс сўзбошида қайд этилган маълумотлардан келиб чиқиб маълум қилади. Рампур нусхаси хотимаси ҳошиясида Бобурнинг қўйидаги мисралари келтирилган: "Ҳар вақтки, кўросен менинг сўзумни, сўзумни ўқуб ёд қилгосен ўзумни". Бобур, душанба 15 рабиул охир, сана 935". Шу бетда Бобур мисралари билан ёнма-ён Шохжаҳоннинг мазкур қайд Бобурга тегишли эканини исботловчи форс тилидаги қўйидаги фикри келтирилган: "Ин рубои турки ва исме муборак батҳақиқат али ҳазрат фирдавс макони Бобур подшо рози


Император Бобур ёзувчи сифатида

А.Н.Самойловичнинг архивда сақланган "Туркий этюдлар" асари мундарижасидан маълум бўлишича, ишнинг учинчи боби "Император Бобур ёзувчи сифатида" деб номланган ҳамда "Диний трактат Мубаййин" ва "Мистик трактат Рисолаи Волидия" каби фасллардан иборат бўлиши керак эди. Демак, муаллиф "Туркий этюдлар"ни Бобур ижодиётига доир фикр-мулоҳазалар билан бойитишни, шоирнинг барча асарлари ҳақида қисқача маълумот бериш ва тўпламга кирган шеърий асарлар тилини таҳлил этишни мақсад қилган.

Бундан ташқари, А.Н.Самойлович Ўрта Осиё туркий адабиёти хрестоматиясини тузишни, "XVI асрлар адабиёти" деган қисмида Бобур ҳаёти ва ижодида доир маълумотларни беришни кўзлаган. Олимнинг архиви ўрганилганда мазкур хрестоматиянинг режиси ва баъзи қайдлар қузатилди. Аммо машъум қатагон А.Н.Самойловичга бу хайрли ишларни амалга оширишга имкон бермаган.

Олим архивида яна бир муҳим ҳаба — "Мубаййин" асарини нашрга тайёрлаётгани маълум қилинади. Ҳақиқатан, А.Н.Самойлович архивида асарнинг у нашрга тайёрлаган нусхаси сақланмоқда. Олимнинг ишга жиддий киришганини архивдаги унинг ўз қўли билан кўчирган "Мубаййин" (266 бет) асари, унга қайдлари, шунингдек, "Бобур ижодида доир қораламалар"и ҳам тасдиқлайди.

1917 йилда А.Н.Самойлович Бобур девонининг Париж ва Ҳиндистон нусхаси асосида "Собрание сочинений императора Бабура" тўпламини нашр



анор Олло бархона аст хуррам Шохжаҳон ин Жаҳоншир подшоҳ ин Акбар подшоҳ ин Хумоюн подшоҳ ин Бобур подшоҳ" (яъни ушбу туркий рубоий ва исми муборак ҳақиқатан Бобур қўли билан ёзилган. Буни Шохжаҳон битдим).

Кўриниб турганидек, Бобур битган рубоий манбада тўлиқ ҳолича сақланмаган. Д.Росснинг тахминига кўра, қўлёзма муқоваланаётган пайтда чек-қордақдаги рубоийнинг кейинги икки мисраси қирқилиб кетган бўлиши мумкин. Бу фикрга А.Н.Самойлович бошқа қўлёзма мавжуд бўлиши қайд қилиб, Д.Росс сўзбошида эътибордан четда қолган яна баъзи масалалар, матндаги текстологик хатоплар устида тўхталади.

Рус бобуршунослигининг ўрганилмаган жиҳатлари

2022 йил ноябрь ойида Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида хизмат сафарига бўлиб, кутубхоналар ва архивларда илмий изланишлар олиб бордик. "Европа фондларида сақланган, Ўзбекистонда мавжуд бўлмаган туркий қўлёзмаларнинг маълумотлар базасини ва "evrotologosiga.uz" электрон платформасини яратиш" мавзусидаги грант лойиҳаси асосида анча янгиликлар топдик. Шу билан бира, Россияда бобуршуносликка оид материаллар билан ҳам танишдик.

Рус шарқшунослигида ўзбек мумтоз адабиёти бўйича нашр қилинган илмий тадқиқотлардан ташқари ҳали чоп этилмаган илмий ишлар ҳам мавжуд бўлиб, улар турли фондлар архивларида сақланмоқда. Бу ўринда эътибор, асосан, Россиянинг Санкт-Петербург кутубхоналари фондларидаги архивларга қаратилади. Россия Миллий кутубхонаси архиви, Россия ФАга қарашли Санкт-Петербург филиали архиви ва Шарқ қўлёзмалари институти шарқшунослар архивидаги мавзуга оид манбалар ўрганилиб, уларда мавжуд адабиётшунослик масалаларини ёритишга ҳаракат қилдик.

Архив шарқшунослиги нисбатан янги йўналиш ва имагологиянинг таркибий қисмларидан биридир. Имагология эса қисий адабиётшуносликнинг долзарб йўналишларидан саналади. Имагологиянинг вазифаси тарих ва архив ҳақиқатларини юзага чиқаришдан иборат. Ўзбек адабиётшунослигида архив материаллари имагологик аспектда



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

ййилган уч жилддан иборат тилшунослик, адабиётшунослик, матншунослик ва этнографик йўналишдаги маълумот ҳамда қайдлар сақланади. А.Н.Самойлович сериқира ижод соҳиб, В.Радлов, П.М.Мелюрский каби туркология мактабининг нуносиб вакилларидан биридир. Олимнинг бизга етиб келган илмий-адабий мероси унинг ҳам адабиётшунос, тилшунос, матншунос, ҳам педагог, ташкилотчи, раҳбар сифатида самарали иш олиб борганидан далолат беради. Қатагоннинг ачқик қисмати А.Н.Самойловичга бир қанча хайрли ишларни, илмий нашрларини амалга оширишга имкон бермади.

Академик А.Н.Самойлович Шарқ адабиётига алоҳида меҳр билан қараган ва туркий адабиёт бўйича қўлёзма манбалар асосида иш олиб борган рус олимларидан биридир. Ўзбек тили ва адабиёти, этнографияси ва халқ оғзаки ижоди ўрганилишида олимнинг алоҳида ўрни бор. А.Н.Самойлович даставвал эътиборини "Бобурнома"га қаратади. Асарнинг барча таржималари билан яхши таниш бўлгани боис, уларни қиёсан ўрганади, инглиз, француз, рус тилига қилинган таржималари

ишларига ёзган тақрирлари фикримиз далилидир. А.Н.Самойловичнинг "Бобурнома" таржимаси билан боғлиқ нашр қилинмаган тақрирларида таржиманинг муваффақиятини таъминлайдиган тамойиллар белгилаб берилган, матрни хато ўқиш аёвсиз танқид қилинган.

Масалан, унинг инглиз олимаси А.Бевеерж хоним таржимасида ёзган тақрирда таржимон фаолиятига баҳо беришда тўрта зарур мезонни келтиради. Яъни таржимон тилни барча нозикликлар билан мукаммал билиши, луғатлар билан ишлаш малакаси бўлиши, ўзгича қилинган таржималарни қисий-танқидий таққослаши, бу борадаги илмий адабиётлар, айниқса, рус олимлари тадқиқотлари билан ҳар томонлама танишиши кераклиги қайд этилади. А.Н.Самойлович таржимадаги айрим парчаларнинг таҳлили орқали юқорида қайд қилинган биринчи, учинчи ва тўртинчи талаб тўла бажарилмаганини аниқлайди.

Рус олими С.А.Поляков ҳам 1904 йилда асардан эллик бет таржима қилади. А.Н.Самойлович 1907 йилда бу муаллиф фаолияти ва таржимасини ҳам аямасдан танқид қилади.

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти ДУК
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Бюроғамта Г-846.
43690 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоиси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Ирода Тошматова
Мусаҳҳис: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев
Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй